ШАҲАР САНОАТИ ОДИМЛАРИ

В. И. ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИГА— ШАХСИЙ МЕҲНАТ ТЎЁНАЛАРИ

ШАҲАРЛИКЛАР, ҲИММАТИ

ТОШКЕНТ МАҲСУЛОТИНИНГ ШУҲРАТИ

ЎЗБЕК МАШИНАСИ— ЖАҲОН КЎРГАЗМАСИГА

ЯХШИ ДАМ— МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

ТЕЖОҒЛИК ИШ— БЕЖОҒЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

19 АВГУСТ 1969 й.
СЕШАНБА
№ 193 (957).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН
4-йил чиқиши

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тошкентда тайёрланган

КОМПРЕССОРЛАР МОСКВАДА

Иттифоқимиз халқ хўжалиги ютуқлари кўзгуси— СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Машинасозлик» павильони янги-янги экспонатлар билан бойиб боряпти. Бу ерга қўйилган «ПР-10» ва «ПР-16» маркали кўчма ротацион компрессор станциялари кўргазмага келган томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда. Бу — Тошкентдаги «Компрессор» заводи маҳсулотидир.

Станция икки поғона босимга эга бўлиб, цилиндрга етарли миқдорда мой бериши билан характерлидир. Бу поршенли компрессорларга нисбатан псиган ҳаво ҳароратини 60 даражадан кўпроқ пасайтириб, узелларни яхшироқ мойлашни таъминлайди. Бунинг аҳамияти жуда катта — механизмлар ресурси ва ундан фойдаланиш муддати ошади.

Ҳар иккала станция ҳам янги агрегатлар бўлиб, ундан йўл, газопровод қурилиши, тоғ, геология-қидирув ва бошқа кўпгина соҳаларда фойдаланиш мумкин.

Аввалги компрессорлардан фарқли ўлароқ, бу станциялар қатор афзалликлари — катталиги ва ҳажмининг кичиклиги, конструкциясининг соддалиги, ҳавони бир босимда бериши сингари қулайликлари билан ажралиб туради.

М. ЛАРЬКИН,
СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг катта экскурсоводи.

● Беш йиллик—муддатидан илгари

ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР

Шаҳримиздаги 1-пойафзал фабрикасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига қадар беш йиллик топшириқларини бажариш юзасидан бошлаган ташаббуси кенг қанот ёймоқда. Пойафзалчилар бу ташаббусга амалий иш билан жавоб бериб, меҳнатда яхши ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозирга қадар корхонанинг 62 ишчиси ўзларининг шахсий беш йиллик топшириқларини адо этиб қўйишди.

1 июлга қадар А. Соколова, А. Шокиров, Ф. Раҳимов, М. Мирҳўжаев, Ф. Баяс ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригада аъзоматлари беш йиллик планни адо этганликлари ҳақида фабрика маъмуриятига рапорт бердилар.

Шу давр ичида 137 минг квадрат дицеметр чарм маҳсулотлари тежаб қолинди. Тежалган материаллардан планга қўшимча 7640 жуфт пойафзал тайёрлаш мумкин.

Бизнинг коммунистик меҳнат бригадамиз ленинча беш йиллик коллективи деган шарафли номни олиш учун курашиб, ўз зиммасига қўшимча мажбурият олди. Бригадамиз аъзолари йил охиригача яна 94 минг квадрат дицеметр чарм маҳсулотлари тежаб қолишга аҳд қилганлар.

Н. ВАВИЛОВА,
1-пойафзал фабрикаси 1-бичув цехининг бригада бошлиғи.

● Янгилик яратувчилар

ИЛЬИЧ ФОНДИГА

«Узбексельмаш» заводининг ихтирочи ва рационализаторлари беш йиллик ичида давлатга 1 миллион сўм иқтисод қилиб беришга аҳд қилганлар.

Корхонанинг янгилик жодкорлари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб, заводнинг барча новатор ишчиларига мурожаат билан чиқдилар. Улар корхона аҳлини жодий ташаббускорликни янада кучайтириш, ишлаб чиқаришга техника янгиликларини кўплаб жорий қилишга даъват этдилар. Корхона ихтирочилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, илгари кўзда тутилганидан 100 минг сўм кўп маблағни Ильич фондига қўшишга аҳд қилишди.

ЛЕНИНЧА КЎРИК

Тошкент—мамлакат ва жаҳонга

Ўтган йилнинг 7 октябрида 1-ун комбинатида мажлис бўлиб ўтган эди. Комбинат ишчи-хизматчилари Каттақўрғон ёг-мой комбинати коллективининг қимматли ташаббусини маъқуллаб, резерваларнинг ленинча кўригини бошлаган эдилар.

Бугун

комбинат ҳисобига ўн миллион сўм деган рақам ёзилди. Корхона коллективи шу кунгача шунча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ундан 700 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот планга қўшимча равишда тайёрланди.

Август ойининг биринчи ўн кунлигидагина пландан ташқари юз тоннадан ортиқ юксак сифатли ун тайёрланди.

Бундай ютуқлар янги техниканн жорий этиш, ишлаб чиқариш резервларидан оқилона фойдаланиш туфайли қўлга киритилди.

Корхонада тежамкорлик ҳаракати ҳам кенгайиб боряпти. Шу йилнинг биринчи кварталида кўплаб электр энергияси тежалгани учун корхонамиз Узбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг биринчи даражали пул мукофотини олишга сазовор бўлди.

Шу кунларда корхонамизда катта элеватор қурилмоқда.

В. ПОЛУПАНОВ,
1-ун комбинатининг иқтисодчиси.

Рақамлар ҳикояси

УЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ШАҲРИМИЗДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАМ МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШМОҚДАЛАР.

ТОШКЕНТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАМҒАСИ БОСИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР БЕПОЁН ВАТАНИМИЗНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИГА — УРТА ОСИЁ ВА ЗАКАВКАЗЬЕ РЕСПУБЛИКАЛАРИГА, УЗОҚ ШАРҚ, СИБИРЬ ВА БОШҚА ЖОЙЛАРГА ЮБОРИЛМОҚДА. ТОШКЕНТ МАҲСУЛОТЛАРИГА ХОРИЖИЙ ЭЛЛАРДА ҲАМ ТАЛАБ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА.

УЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ЎТГАН ЕТТИ ОЙ ИЧИДА МАМЛАКАТНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ БЕРДИЛАР:

484 та экскаватор.	31.465 кубометр пиломатериаллар.
448 та электр кўприк кранлари.	428.448 кубометр йиғма-темир бетон конструкциялари ва деталлари.
20.626 та трактор прицепларн.	12.960 тонна қоғоз.
4.186 та пахта сеялкалари.	89.562 минг квадрат метр ип газламалар.
1.300 та кўрак чувиш машиналари.	4.275 минг дона ички трикотаж.
29.345 та уй-рўзғор холодильниклари.	4.093 минг жуфт пойафзал.
8.549 километр бронекабель.	14.474 тонна конднтер маҳсулотлари.
48.511 та газ плиталари.	5.265 тонна колбаса-ветчина маҳсулотлари.

Акмукова издошлари



Шу йилнинг июнь ойида 1-тўқув фабрикасининг тўқувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Румия Акмукова тўқилаётган газламанинг ҳаммаси биринчи сортга топширилишига эришиш ташаббусини бошлаб берган эди.

Румия нормадаги 24 ўрнига 27 та станокни бошқариб, ойлик топшириқни 110—112 процентга етказмоқда. Р. Акмукова беш йиллик планни муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча 50 минг метр сифатли газлама тўқиб бериш, тежалган хом ашё ҳисобига 1970 йилнинг 22 апрелида ўз бригадаси билан 3 минг метр газлама ишлаб чиқаришга сўз берди.

«Маҳсулотнинг ҳаммасини биринчи сортга топширайлик», деган ташаббус тез орада бутун комбинатга тарқалди.

Ҳозир комбинатда 300 дан ортиқ тўқувчи ана шу ташаббус асосида ишламоқда. Рустам Абдураҳмонов, Степан Суховирский каби ўртоқлар раҳбарлик қилаётган комплектлар эса бутун бригада бўйича тўқилаётган газламанинг ҳаммасини биринчи сортга топширишга муваффақ бўлишмоқда.

А. ВАЛИЕВ,
«Тўқимачилар овози» кўп нусхали газетасининг масъул котиби.

СУРАТДА: Р. Акмукова.

● Ленинча меҳнат вахтасида

УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

Бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, меҳнатда янгидан-янги зафарларга эришмоқда.

Бугун

фабрика ишчи-хизматчилари август ойининг дастлабки икки ўн кунлиги топшириғини адо этдилар. Маҳсулотни реализация қилиш плани ошиғи билан бажарилди. Фабрикада 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб, реализация қилинди.

Корхонада ҳамма цех ва участкалар бир меъёрда ишламоқда. Бу нарса ишда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритиш имконини бермоқда. Ҳеч шубҳа йўқки ойнинг охирига қадар чевардар пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, июль ойида эришилган ютуқни янада мустаҳкамлайдилар.

Коллективимиз аъзолари икки кварталдан буён социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Улар енгил саноат корхоналари орасида биринчиликни қўлга киритди ва Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон касаба союзлари советининг Кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб қолишди.

Корхонамизда ким ўзарга авж олаётган мусобақада попоп ва дўппи цехларининг аъзоматлари пешқадамлик қилишяпти. Ш. Сандвалиева ва М. Аъзамова ўртоқлар бошлиқ бу цех ишчилари доҳий юбилейига муносиб армуғонлар тайёрлаш иштиёқида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

А. АЛИМБОЕВ,
бадиий буюмлар фабрикаси директори вазифасини бажарувчи.



Тошкент электротехника заводининг ушбу суратда сиз кўриб турган илғор ишчилари шу кунларда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар смена топшириқларини ошириб адо этишаётир.

СУРАТДА [чапдан-ўнгга]: бригада бошлиғи З. Салимов, монтажчилар В. Кожанов, Н. Кузьмичев ва А. Сукнин ўртоқлар.

В. Ломовцев фотоси.



Пиллакашлик фабрикасининг автоматчиларидан Зуҳра (чапда) ва Фотима Қодировалар ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, доҳий юбилейига муносиб армуғонлар тайёрлашяпти.

С. Махов фотоси.

● Тошкент—мамлакатга

ТЎҚИМАЧИЛАР УЧУН

Бугун

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводидан «ПК-100М» маркали ип йигирув машиналаридан бир неча партияси узоқ йўлга равона бўлди.

Бу маҳсулотлар турли жойларга етказиб берилади. Тошкентлик машинасозлар ўз маҳсулотларини биринчи галда мамлакатнинг янги тўқимачилик қурилишларига жўнатмоқдалар. Жумладан, Алитуск ва Шахтинск комбинатларига еттита машина юборилди. Иваново ва Херсонга эса «Р-192-3» агрегатлари жўнатилади.

«Таштекстильмаш» заводида Болгария буюртмасини бажо келтиришга ҳам қизғин тайёргарлик кўрияпти. Шу кунларда болгар дўстларимиз учун «Р-192-3» маркали машиналардан 16 тасини жўнатиш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Ўзбек машинасозлари Брно шаҳрида бўладиган жаҳон саноат кўргазмасига «ПКЛ-100» маркали янги тўқимачилик машинасини яқиндагина жўнатдилар.

«Тошкент оқшоми»нинг заводдаги мухбирлар пости.

● Элга хизмат—олий ҳиммат

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Корхонамиз коллективи ҳар куни ҳамшаҳарларимиз дастурхонига сифатли ва бўрсилдоқ нонларни етказиб бермоқда. Эрталабдан кечгача ён томонига «Нон» деб ёзиб қўйилган автомашиналар шаҳримиздаги ўнлаб магазинларга ҳар хил нонларни элтиб беради.

Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури йигирмадан ошиб кетди.

Шу йилнинг ўзидагина уч хил сухари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Янги маҳсулот харидорларга жуда маъқул бўлмоқда.

Заводимиз ишчи-хизматчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб фидокорона ишламоқдалар. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳам чакки эмас. Етти ойлик планга қўшимча ишлаб чиқарилган 111 минг сўмлик маҳсулот коллективимизнинг ғайратшижоатидан дарак бериб, турибди. Биз бу ютуққа меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш туфайли эришдик.

Ҳ. СОЛИҲОВ,
3-ион заводининг директори.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Москва. Кеча Ватанимиз пойтахтида очилган қон қуйиш масалалари юзасидан XII халқаро конгрессда жаҳондаги эллиқдан ортиқ мамлакат намояндалари ҳозир бўлди.

◆ Мавритания Ислом Республикаси миллат мажлисининг депутати, мажлис квестори Муҳаммад Фал Бабах бошчилигидаги миллат мажлисининг делегацияси 17 август якшанба кунини Самаркандда ўтказди.

Делегация аъзолари кечкурун Тошкентга қайтиб келдилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Мавритания парламенти аъзолари шарафига зиёфат берди ана шу кун делегация Москвага жўнаб кетди.

ОЛТИН БОШОҚЛАР

Тошкент шаҳар марказлашган юк ташиш автотрестига қарашли 3-автокомбинатнинг энг яхши 30 шофёри Самарқанд область «1-Ғаллаорол» совхозида бугдой ҳосилини ташишда қатнашмоқда.

Коллективимиз аъзолари июль ойининг учинчи ўн кунлигида социалистик мусобақада голиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлишди.

Кўни кеча эса комбинатимизга яна бир хушхабар келди: август ойининг биринчи ўн кунлигида яхши кўрсаткичларни қўлга киритганликлари туфайли комбинат ҳайдовчиларидан яна бир неча киши юксак мукофот билан тақдирланган. Биз Ўзбекистон ғалласини йиғиштириб олишда дала механизаторларига озми-кўпми ёрдам берганлигимиздан мамнунмиз.

Н. УШАТОВ,
3-автокомбинат маҳаллий комитетининг раиси.

● Шаҳар—қишлоққа

● Беш кунлик ва дам олиш

КАТТА ЭЪТИБОР

Резина-техника буюмлари заводи маъмурияти ишчилар инженер-техник ходимларнинг ёзги дам олишига катта эътибор бермоқда.

—«Оқтош» дам олиш уйига ҳафтанинг ҳар икки дам олиш кунида 40 дан ортиқ ишчилар бориб, хордиқ чиқаришяпти. Бунинг учун уларга текин путёвкалар берганмиз. Ўтган ойда 16 ишчи санаторийда, 13 ишчи эса дам олиш уйида бўлди, яна бир ишчи Австрия туристик саёҳатга бориб келди,— дейди завод касаба союз комитети 3000 сўмлик путёвкалар сотиб олган.

Ишчиларнинг намунали дам олишини уюштириш корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилашга имкон бермоқда.

Т. НАЖМИЙ,
шахсий пенсионер.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● янгиликлар

● воқеалар

● фактлар

ЛОНДОН РЕАКЦИЯНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Лондондерри шаҳрининг кўчаларн ингліз қўшинлари билан тўлди. Лондондерри Англиянинг вилояти деб аталган Шимолий Ирландиянинг ҳажми жиҳатидан иккинчи катта шаҳридир. Бу шаҳарда бир неча кундан буён аҳоли билан полиция ва фашист шайкалари ўртасида шиддатли тўқнашувлар давом этмоқда. Шундай қилиб, Вильсон бошлиқ лейбористлар ҳукумати очиқдан-очиқ Шимолий Ирландия реакцияси томонига, капиталистлар ва помешчиклар томонига ўтди. Капиталистлар билан помешчиклар ўз имтиёзларини сақлаб қолишга ва граждаплик ҳуқуқлари учун ҳамда ўзларининг оғир моддий аҳволини яхшилаш учун курашаётган халқ оммасининг ҳаракатини бостиришга интилмоқдалар.

Англия лейбористларининг раҳбарлари «ялпи демократия» тўғрисида гап сотишни яхши кўрадилар. Аммо ҳар қандай вайсақи гаплар ҳозирги Англияда аҳоли кўпчилигининг гражданлик ва иқтисодий ҳуқуқлари гоят камситилганлигини яширя олмайди.

Шимолий Ирландия иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ вилоят бўлиб, унда яшовчи аҳолининг камида 30 процепти ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилгандирлар. Бу вилоятдаги аҳволнинг мушкуллашганлигига, аввало, сабаб шуки, кейинги йилларда Шимолий Ирландия меҳнаткашларини эксплуатация қилиш бени. ҳоят кучайди. Англиянинг мустамлакачилик империяси емирилганидан кейин инглиз капиталистлари ҳозир Шимолий Ирландияни ўз мустамлакаси деб ҳисобламоқдалар. Шимолий Ирландиядаги тартиблар Англия мустамлакаларидаги тартибларга жуда ўхшаб кетганлиги ҳам бежиз эмас. Маъмурлар «алоҳида ваколатлар»га асосланиб, ҳар бир кишини суд-сўроқ қилиб ўтирмай турмага ташлаб оладилар, полициянинг таёқ, қурол-яроғ ва кўздан ёш оқизадиган газдан фойдаланиб қасос олиши кундалик оддий бир ҳодиса бўлиб қолди. Шимолий Ирландияни 1920 йилда тузилган актга мувофиқ идора қилмоқдалар. Бу акт ҳозирги ҳукмрон гуруҳларнинг ҳокимиятини абадий сақлаб қолишни кўзда тутади ва маҳаллий ҳокимият органларига сайлов вақтида аҳолининг қариб учдан бир қисмини овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этади.

Кўшни Ирландия республикаси Шимолий Ирландиядаги аҳволдан жиддий ташвишга тушиб қолди. Ирландия республикасининг президенти Линч Шимолий Ирландия проблемасини ҳал этмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу ишга аралашмоғи зарур. деб ҳисобламоқда ва ҳатто тартиб сақлаш учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролли кучларини бу мамлакатга юбориш кераклигини айтди.

Е. ЕГОРОВ.
(ТАСС).

Ленин район

партия комитетида

ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲИММАТИ

Ҳадемай биринчи сентябрь қўнғироғи жаранги ўқувчиларни синф хоналарига чорлайди. Бўйинларида чўғдек қип-қизил галстуклар тақиб олган ўғил-қизлар билан мактаблар гавжум бўлади.

Мактаблар янги ўқув йилига тахтми? Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш қай аҳволда? Район партия комитетининг навбатдаги бюро йиғилишида ана шу масала муҳокама қилинди.

Мактабларни янги ўқув йилига тахт қилишда оталиқ ташкилотларининг ёрдами ҳақида кўп гаплар бўлди. Мактабларда мустаҳкам ўқув базасини вужудга келтириш, уларни янги ўқув йилига тахт қилишга оталиқ ташкилотлар ҳиммат кўрсатдилар. Ўқув йили якунланиши биланоқ электротехника заводи (директори Фетисов, партия ташкилотининг секретари Криллов), канап фабрикаси (директори Харитонов, партия ташкилотининг секретари Мангутова) коллективлари ўз оталиқларига олган 158 ва 94-мактабларни сифатли ремонт қилиш ва ўқувчиларнинг ёзги каникулларини намунали ўтказишга амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган юксак мажбурият олгандилар. Улар конкрет тадбирлар белгилаб, тегишли маблағ ажратдилар. Оталиқ ташкилотларининг та шаббуси билан бу мактаблар муддатидан олдин ремонтдан чиқариб қўйилди. Мактабларни оталиқларига олган бошқа ташкилотлар ҳам ҳиммат кўрсатишди. 20 июлга қадар 218, 213, 53, 146, 217 каби йигирмадан ортиқ мактаб сифатли ремонтдан чиқарилди. Мактабларни янги ўқув йилига тахт қилишда «Ташхимсельмаш», 1-авторемонт, тажриба-механика завод лари, 3-автокомбинат, темир йўл транспорти инженерлари институти ва бошқа ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Бошланғич синфларда машғулотлар олиб борувчи ўқитувчи кадрларни танлашда ҳам диққатга сазовор ишлар қилинди. Мактаблар янги ўқув программасига ўтиши муносабати билан фан ўқитувчилари махсус тайёргарликдан ўтдилар. Райондаги мактабларда таълим олаётган ўқувчиларнинг асосий қисми дарсликлар, зарур ўқув қуролларн билан таъминланди.

Район партия комитети бюроси мактабларни янги ўқув йилига ҳар томонлама тахт қилишни ниҳоясига етказиш, машғулларни уюшқоқлик билан бошлаб юборишга қаратилган муҳим тадбирлар белгилади.





● Янги ўқув йилига

БИЛИМ МАСКАНИ

(РЕПОРТАЖ)

Тошкентнинг марказида жойлашган беш гектарли улкан майдон. Эртадан кечгача бу ерда болаларнинг қувноқ ўйинлари, қўшиқлари, ҳаракати тин майди. Залларда ҳар ким ўз иши билан машғул. Биров бўлажак мактаб бадиий ҳаваскорлик кўригига тайёрланмоқда. Биров эса республика кўргазмасига ўз машинаси, янги уйи ва бошқа буюмларни тайёрламоқда. Спорт залида турли спорт анжомлари билан шуғулланаётган ёш спортчиларни кўрасиз. Ҳовуз ҳам ҳаракатчонгидек гавжум. У ерда ўқувчилар сузиш маҳоратини такомиллаштирмоқда.

Бу улкан мактаб Украинанинг 2-Киев қурилиш-монтаж поезди коллективи томонидан Ўзбекистон пойтахтининг ўқувчиларига тақдим қилинади. Кенг ва ёруғ синфхоналарида 2 минг 600 ўқувчи таълим олади.

Мактаб 12 корпусни ўзига мужассамлаштирган. 8 корпусда ўқув программасига биноан машғулотлар ўтказилади. Ҳар бир корпуснинг 10 тадан синфхонаси яхши безатилган кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланган. Янги мактаб комплексида катта кутубхона, ҳозирги замон ускуналари билан жиҳозланган лаборатория, металл ва ёғочни қайта ишлаш учун механизациялаштирилган устахона, 500 ўринлик ошхона, 520 ўринли мажлислар зали жойлашган.

Мактабнинг спорт комплексида 25 метрли ҳовуз, спорт зали ва ҳар хил ўйин майдончаларини ўз ичига олган стадион бўлади. Бу майдонларда ўқувчилар спортнинг истаган тури билан шуғулланиб, ўз маҳоратларини оширадилар. Мушоқаларга, кўрикларга тайёрланадилар. Ҳар бир хона ҳаво билан мўътадил иситилади.

Янги ўқув йилида ўз ўқувчиларини қабул қиладиган мактаб биносида ҳозир энг сўнгги пардозлаш ишлари давом этмоқда. Сўнгра украинлик қурувчилар ажойиб мактабни ўқувчиларга топширгач, қардош Украинага йўл оладилар. Буюк қўбизчи Тарас Шевченко қиёфаси туширилган мактаб эса украинлик биродарларнинг беминнат ёрдамидан ажойиб бир ёдгорлик бўлиб қолади.

СУРАТЛАРДА: Ҳар хил керамик панеллар билан жиҳозланган мактаб спорт залининг ташқи кўриниши.

Пардозлаш ишларида (чапдан ўнгга юқорида) комсомол аъзолари Диана Красная, Галина Балюк ва Софья Малашенко яхши натижаларга эришмоқда. Улар бўяган заллар аъло баҳоланмоқда. ва монтажчи-электр пайвандчилар Валентин Слесарчук, Виктор Архипов ва Василий Мороз. Улар кундалик нормаларини 170—180 процентга етказиб бажармоқдалар.

Н. Ключнев фотоси.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ АТЕЛЬЕ

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида биноқорлар бир қатор янги бинолар қурилишини авж олдирганлар. 153-қурилиш трестининг 64-бошқармаси коллективи Богдан Хмельницкий кўчасида янги Модалар ательеси биносида сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришмоқда.

Ленин номли якка тартибда кийим тикиш фабрикасига қарашли бу ательеда 250 чевар ишлайди. Янги корхона бир қатор афзалликларга эга. Бу ерда аёллар ва эркаклар кийим-кечакларини буюртириш мумкин. Ательеда буюртмани жуда тез тайёрлаб бериш тартиби ҳам жорий қилинади.

«Ташгипрогор» институти лойиҳачи-инженерлари тайёрлаган лойиҳа асосида қурилади ган бинода тикувчилар ва буюртмачилар учун ҳам қулай шароит яратилади. Уч қаватли бу муҳташам бинода янги моделарни намойиш қиладиган зал ҳам очилади.

● Ёз—ўтмоқда соз

ҲОРДИҚ ВА БИЛИМ

Ҳозирги ёзнинг жазирама кунларида пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг студентлари шаҳар ташқарисида мириқиб дам олишяпти. Улар Юсуфхона, Ҳумсон, Бурчмулла каби гўзал ва нафосатли жойларда бўлишиб, спорт-соғломлаштириш лагерларида ҳордиқ чиқаришяпти. Ленин номли Давлат университетининг спорт-соғломлаштириш лагери Юсуфхонада жойлашган. Бу лагерь 1959 йили ташкил этилган бўлиб, ўтган 10 йил давомида 4 мингга яқин студент бу ерда маромли ҳордиқ чиқарди.

Лагерь ҳар йили тўрт сменада 12 кунлик муддат билан 400 дан ортиқ дам олувчиларни ўз қўйнига олмоқда. Айниқса, бу йил студентлар маромли дам олаяптилар. Чунки, бу йил студентларни қабул қилиб олиш учун лагерда жисмоний тарбия кафедрасининг катта ўқитувчиси Борис Михайлович Нирков раҳбарлигида яхши тайёргарлик кўрилди.

Жисмоний тарбия кафедрасининг катта ўқитувчилари Б. М. Нирков, И. Д. Брагинский, Ю. З. Ермаков ва ўқитувчи С. Г. Паршина томонидан лагерда режим жуда муваффақиятли тузилган. Улар раҳбарлигида Кичик Чимён, Бурчмулла, Обирахмат, Боғистон каби жойларга туристик юришлар уюштирилмоқда.

Бу ерда студентларнинг шаҳмат, шашка, теннис, волейбол, баскетбол, футбол ўйинлари билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратиб берилган. Бундан ташқари кўшни дам олиш уйлари ва спорт-соғломлаштириш лагерлари билан спорт мусобақалари ўтказилиб турилибди. Яқинда олий ўқув юртларининг спорт-соғломлаштириш лагерларининг биринчилик учун бўлган спартакиадасида волейбол ва теннис бўйича университет спорт-соғломлаштириш лагери биринчи ўринни эгаллади.

Лагерда рақс кечалари ва концертлар бўлиб туради. Университетнинг «Дилнавоз» студентлар ансамбли бир неча бор дам олувчиларни ўз ашулалари ва куйлари билан хушнуд қилди.

Яқинда тўртинчи смена дам ола бошлади.

Т. ЮСУПОВ.



Бўёқчилар В. Котенова ва Н. Бородиналар Қорақамиш уй-жой массивидаги болалар боғчасининг пардозлаш ишида фидокорона меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: В. Котенова ва Н. Бородина иш устида.

Ю. БУТУСОВ фотоси.

● Беш йиллик илғорлари

Қанотланган орзу

«Яхши ният ярим бахт» деган нақл бор халқимизда. Ғиёс ака Шоисматов ҳам ёшлигидан аҳд қилган ширин орзуларига эришган, шу эзгу мақсадлар қаноти остида баракали меҳнат қилаётган қўли гул жилокорлардан бири. Ғиёс ака ёшлик йилларини шундай эслайди.

— Мен шаҳримиздаги 141-ўрта мактабда ўқир эдим. Мактабимиз Кўкалдош мадрасасига яқин. Бўш вақтимда шу бино пештоқларига, кўкўпар минорасига узоқ тикилардим. Асрлар тенгдоши бўлган бино бунёдкорлари меҳнати, таланти қалбимда зўр ҳавас уйғотарди. Унинчида ўқиётганимизда тарих ўқитувчимиз бизни қадимий Самарқанд ва кўҳна Бухорога саёҳатга олиб бордилар. У ердаги ажойиб бинолар, дид билан ишланган ўймакорлик санъати намуналари мени бутунлай мафтун этди. Қалбимда бинокорлик касбига бўлган ҳавас яна ҳам кучайди...

Ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаган Ғиёсжон шаҳримиздаги 4-қурилиш билим юртига йўл олди. Фақат орзу қилишнинг ўзи билан иш битармиди ахир! Мақсадга эришишнинг бирдан-бир калити тинимсиз ўқиш, баракали меҳнат.

Билим юрти ўқитувчилари Ғиёсжонга бинокорлик касбининг нозик. шарафли ва машаққатли томонларини ўргатдилар. Эзгу ниятлар билан ҳаётга йўланма олган Ғиёс Шоисматовнинг 6-трест 32-қурилиш бошқармасига ишга келганига ҳам роппа-роса ўн икки йил бўлибди. Бугунги кунда Ғиёс ака номини бошқармадагиларгина эмас, балки трестдагилар ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. У билан ҳақли равишда фахрланишади.

«Инсон қадри меҳнатда» деганларидек Ғиёс ака ҳам қадрини, обрўсини ўзининг ҳалол меҳнати билан топганлардан. Касбини жон-дилдан севган бинокор шаҳримиз ҳуснига-ҳуси, чиройига-чирой қўшиб турган қанчадан-қанча биноларни тиклашда ўз ҳиссасини қўшмади дейсиз. Минглаб спортчиларни тарбиялаб чиқа раётган физкультура институти павильони, музика интернат-мактаби, Қорақамиш массивидаги 80 квартирали иккита турар-жой бинолари, Владимир Ильич Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия, физика, филология факультетларининг корпуслари, ўнта студентлар ётоқхонасини тиклашда ҳам Ғиёс Шоисматовнинг меҳнати сингганини бошқарма аҳли яхши билади.

Шу кунларда Ғиёс ака Сағбон кўчасининг Аброр Ҳидоятов проездида қад кўтараётган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология илмий-текшириш институти тўрт қаватли биноси қурилишида сидқидилдан ишламоқда.

Ғиёс Шоисматов ҳаётида яқинда унутилмас воқеа содир бўлди. Унга коммунистлар юксак ишонч билдириб, шонли КПСС аъзолигига қабул қилишди.

—Юксак ишонч, — дейди Ғиёс ака,—мендан жуда катта масъулият талаб қилади. Бригадамиз аъзолари ўртасида коммунистчасига ишлаш, яшаш принципига амал қилиб, коммунист деган шарафли номни оқлашга ҳарат қиламан.

Ҳа, аҳил коллективнинг фахри Ғиёс Шоисматовичнинг баракали меҳнати тўғрисида ҳар қанча гапирилса, эъзозлаб тилга олинса муболаға бўлмайди. Тўртинчи разрядли слесарь, 5-разрядли гишт терувчи, 6-разрядли монтажчи Ғиёс ака бошқарма халқ контроли комитетининг активи аъзоси сифатида ҳам танилган. Дангасалар, тартиббузарлар сифатсиз қурилишларга, талон-тарожликларга қарши мурosасизлик билан курашади.

Ўтюрак Шоисматов меҳнат қилаётган бригада аҳли Улуғ Октябрь революцияси байрами кунигача улкан илмий кошонани пардозчилар ихтиёрига топшириш учун иш суръатини тобора тезлаштирмоқда.

Қ. МАЛИКОВ.

● Сўз—комсомол етакчиларига

Меҳнатда ва роҳатда

Бир аёл муҳташам дўконга кириб борди. Кўплар қатори у ҳам пальто харид қилмоқчи. Қатор териб қўйилган пальтолардаги ёзувларни ўқий бошлади. Бир вақт унинг кўзи: «Қизил тонг» фирмаси деган сўзга тушади. Аёл бу корхонада тикилган пальтодан аввал ҳам харид қилиб, ҳурсанд бўлганидан, ўзи кўрган буюмини бамайли хотир сотиб олиб кетаверди.

Бундай манзарани мен бир неча бор кўриб, ўзимда йўқ ҳурсанд бўлганман. Чунки мен ва менинг тенгдошларим қанчадан-қанча устозлар қаторн шу фирмада ишлаймиз. Элга иссиқ, бежирим пальтолар кийдириш бизга одат бўлиб қолган.

Аҳил коллективимиз давлат планини ортиғи билан бажаришга, иш сифатига доимо катта аҳамият беради. Масалан, фирма ўтган ярим йиллик режасини 105 процентдан ошириб адо этган эди. Фақат июль ойининг ўзида пландаги 2 миллион 546 минг сўмлик ўрнига 2 миллион 842 сўмлик хилма-хил пальтолар тикиб чиқарди ва реализацияга қилди. Айниқса, коллективимиз эркаклар ва аёллар учун тикиб чиқараётган жерси пальтолар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Бу ютуқларни қўлга киритишда биз комсомол-ёшларнинг ҳам озми-кўпми ҳиссамиз борлигидан ҳурсандмиз.

Корхона комсомол комитети атрофига 280 га яқин ёш ленинчи уюшган бўлиб, улар меҳнатда, маданий ҳаётда илғор ишчиларимиз ортидан боришмоқда.

Комсомол-ёшларимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик қутлуғ тўйини фақат меҳнатдагина эмас, ўз билим савияларини оширишда ҳам катта ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олмоқдалар. Айниқса, улар В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятини, асарларини ўрганишга жиддий киришганлар. Бу ишда комсомол комитети томонидан ташкил этилган «Кругозор» ҳамда шонли Ленин комсомоли тарихини ўрганиш тўгаракларн катта ёрдам бермоқда. Тўгарак ишларига корхонамиздаги актив, тажрибали коммунистлар раҳбарлик қилишади.

Ҳозирги кунда цехлардаги бошланғич комсомол ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Комсомоллар бу йиғилишларда доҳий юбилейи шарафига қилаётган ишлари ҳақида фахрланиб сўзлашаётир.

Биздаги барча комсомол аъзоларининг шахсий мажбурият дафтарчалари бўлиб, унда юбилей шарафига олган мажбурият ва унинг қандай бажарилаётгани қайд этилиб борилади. Масалан, актив комсомолларимиздан Ҳайри Узоқова, Мастура Жўрабоева, Таня Саъднева, Қумри Рўзиева ва бошқаларнинг дафтарчаларини кўрсангиз, меҳнат зафарларидан нишоятда қувонасиз. Улар йиллик планларни 20 декабргача ошиғи билан бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

Ёшларимизнинг фидокорона меҳнатдан кейин кўнгилли дам олишларига ҳам алоҳида аҳамият бераётирмиз. Ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари мунтазам равишда коллектив бўлиб Тошкент денгизига, Бўстонлиқ районининг хушманзара жойларига, Чирчиқ ва Сирдарё соҳилларига борамиз. Яқинда 31 комсомолёш Ленинобод шаҳрига саёҳатга боради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Унумли меҳнатдан кейин яхши дам олганга нима етсин?!

Н. МАҲМУДОВА,

«Қизил тонг» фирмаси комсомол комитетининг секретари.

● Олимлар лабораториясида

Шифобахш икки ўсимлик

Инсон ҳаёти учун хавфли касалликлардан бири қон босими — гипертония деб аталувчи касалликдир. Бу касаллик катта-кичик ёшдагилар орасида бот-бот учрайдиган бўлиб қолди. Қон босими билан оғриганлар ҳозирги пайтда синтетик-кимёвий ва ҳар турли доривор ўтлар билан даволанмоқдалар. Булар ичида энг яхшиси ўсимлик танасида тўпланадиган рутин моддасидир. Рутин СССР флорасида гречиха ва сапора-японика деб аталувчи ўсимликлар гулидан топилган.

СССРда илгари гречиха ўсимлигининг гули дори олиш учун йиғилар эди, ҳозир у фақат зарур дон ўсимлиги сифатида экилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти қошидаги ўсимликлар ҳом ашёсини ўрганиш бўлими ходимлари бу соҳадаги илмий изланишлар натижасида сапора-японика — тухмак деб аталувчи дарахт гулида 10 процент рутин моддаси борлигини аниқладилар.

Тошкент фармацевтика заводи билан биргаликда бу ҳом ашёдан кўплаб рутин дорини ишлаб чиқарилмоқда. Лекин ҳом ашё дарахтдан йиғиладиган бўлганидан бир қатор қийинчиликлар келиб чиқди.

Ана шу муаммони бартараф этиш учун янги ҳом ашё ахтаришга киришилди. Натижада ўтган йили академик К. З. Зокиров раҳбарлигида Марказий Тянь-Шанга уюштирилган экспедицияда янги ҳом ашё топилди. Бу ҳом ашё ўт кўринишида бўлиб, ўзида кўп миқдорда рутин моддасини сақлар экан. Уни маҳаллий аҳоли ва табиблар «Чой ўти» дейишади. Усимликнинг ер устки қисми қайноқ сувда дамланса, кўк чой рангли, хуш бўй ичимлик ҳосил бўлади. Уни шамоллашга, бош оғриғи ва склероз касал ликларига қарши ишлатилади. Бу ўтнинг бошқа рутин моддасини сақлайдиган ўсимликлардан фарқи жуда катта бўлиб у келгусида «Рутин» деб аталувчи дорини ишлаб чиқаришда асосий ҳом ашё бўлиб қолади, деб ишонамиз.

Ўсимликшунос олимларимиз юрак касалига шифо бўладиган яна бир доривор топдилар. Бу Сурхондарё тоғларида, денгиз сатҳидан 3 минг метр баландликда ўсувчи сассиқ матал ўсимлигидир. Унда юрак фаолиятини яхшиловчи адонизид деган модда борлиги аниқланди.

Ҳозирга қадар Иттифоқ миқёсида бу дорн адонис верноли деган ўсимликдан олинар эди. Эндиликда у ўсадиган ерлар экинзорларга айлантирилгани учун бу ўсимлик запаси тугади.

Биз топган сассиқ матал Сурхондарёнинг тоғ зонасида кўп ўсади ва чорва моллари уни емайди. Кимёвий анализлар натижасида сассиқ матала адонизид уч-тўрт баравар кўплиги, таъсири верналисдан икки-уч марта ортиқлиги аниқланди. Шунингдек, бу доривор Тошкент медицина институтининг фармакология кафедраси текширишидан ҳам нуқсонсиз ўтди. Энди бу ўсимлик дорисн шу йил саноат миқёсида ҳам синовдан ўтказилади. Ундан олинган дори — адонис туркистаникус медицинамизда муносиб ўрин олади.

Халқимиз саломатлигини сақлаш ва унга зарур бўлган дори-дармонларни ахтариб топишда ўсимликшунос олимларимиз яна кўп дан-кўп илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

С. СОАТОВ,

биолог олим.

ҲАМИША ДИЛИМИЗДА

В. И. Ленинга юборилган ўзбекча девор газета «Руста» ўзбек тилида чиққан биринчи босма девор газетадир. У 1919 йил декабридан бошлаб Тошкентда чиқа бошлаган. 1919 йил 16 декабрда РОСТА Туркистон бўлимининг мудири янги «Руста» газетасининг биринчи сонини партия, совет матбуотининг асосчиси ва гояви раҳбари В. И. Ленинга хат билан бирга йўллайди.

Хатда бундай дейилади: «Ҳурматли ўртоқ Владимир Ильич!

Россия телеграф агентлигининг Туркистон бўлими Туркистон ўлкаси ва унинг атрофидаги мамлакатларда яшовчи кўп сонли элатларни хабардор қилиб туришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.


Шу мақсадда биз маҳаллий аҳоли сўзлашадиган турк, форс, туркман, арман тилларида РОСТАнинг девор газеталарини ташкил қилмоқдамиз.

Азиз ўртоқ! Сизга ишимизнинг дастлабки самарали мусулмон деворий газеталарини биринчи сонини юбормоқдамиз.

Коммунистик салом билан РОСТА Туркистон бўлимининг мудири».

Бу хат В. И. Ленинга бориб етди. Ҳозир у Москвада марксизм-ленинизм институти архивида сақланмоқда. Бу газетанинг орқасига В. И. Ленининг секретари Л. А. Фотнева қўли билан «РОСТА Туркистон бўлими мусулмон газетасининг биринчи сонн» деб ёзиб қўйилган.

М. ЗОКИРОВА.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

СУРАТДА. В. И. Ленин номидаги ТошДУ биноси.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

2 Тошкент оқшоми

БЕТ.

19 АВГУСТ, 1969 й.



Жасрий масаллар

Олтин ва пўлат

Олтин билан Пўлат учрашиб қолишди:

— Ҳамма мени эъзозлайди, — деди Олтин жилмайиб. — дунёга бенуқсон келганман, ноёб жисмман. Шунинг учун дунёга шон-шуҳратим таралган.

Пўлат ранжиди:

— Мен Пўлатман, — деди у ярқиллаб Олтинга, — мени минг қайнатганда ҳам, минг тоблаб сайқал берганда ҳам олтин бўлмайман, ўзимни нуқсонсиз деб ҳам билмайман... Ҳаммада бирор нуқсон-камчилик борлигига ишонаман...

— Менда нуқсон йўқ, — деди Олтин яна жилмайиб. менинг ҳеч қанақа камчилигим ҳам йўқ.

— Қани, берироқ кел, — деди Пўлат, — бир қўл қисишиб кўрайлик.

Улар қаттиқ қўл сан.

* * *

Ҳавойи гуруллар келтирмас ҳушбахт,
Мен етук одамман демагин ҳеч вақт.
Бекам-кўст яралган бу олам аро,
Осмонга шоти йўқ, ой дили қаро.
Ерда ўлим деган бир бало-қазо,
Абадул-абаддан қолган муаммо.

Разил душман

Далада икки дарахт Ҳасан-Ҳусандек ёнма-ён ўсарди: бири Балхтути эди, иккинчиси Шотут.

Бир куни уларнинг олдига катта оқ тишли Болта келиб қолди. У Шотутнинг серкўз, ғужанак шохидан ўзига соп ясаб олди.

— Сени Балхтут ёмон кўради, — деди Болта иржайиб, — бир кун эмас бир кун сенинг бошингни емоқчи.

— Бўлмаса уни қирқиб ташлайлик, — деди Шотут хавфга тушиб; — далага ўзим ҳуси бўлиб қолай.

Болта Шотут дастаси билан ишга тушди да. Балхтутни бўлак-бўлак қилиб ташлади. Шу пайт Болта кесилган Балхтутдан даста ясаб, яна тиржайди.

— Кўрдингми, — деди у тишини қайраб, — Шотут сенга душман эди. шохларингни синдирди.

Балх тут тутоқди:

— Шотутни кесиб ташла! — деди у газаб-кин билан.

— Хўп, хўп бўлади, деди тиржайиб Болтавой, — биз бунақа холис хизматга тайёрмиз.

Даладан ўтган-кетганлар икки дарахтнинг кесилиб ерда ётганини, Болта эса, ўз ишидан завқланиб. уларнинг аянчли ҳолига катта оқ тишини ярақлатиб турганини кўришарди.

* * *

Икки дўст яшаса аҳилу иноқ,
Иғвогар солади ўртага нифоқ.

Уч оғайни

—Ҳай Оёқ, текис йўл турганда нега ўнқир-чўнқирдан кетяпсан, — деди Ер. — Кўзга қараб юрсанг бўлмайдими?

— Айб менда эмас, — деди Оёқ. — Кўз йўлга қарамаяпти-да...

Кўз ҳам тилга кирди:

— Мендаям айб йўқ, айб Бошда, — деди у. — Бошнинг хаёли жойида эмас, мен ҳам унга алахсиб ҳеч нимани кўрмаяпман.

Шу пайт Оёқ тойиб кетди-да. гавда чуқурга «гурс» этиб йиқилди, Бош эса бир тошга «тақ» этиб урилди.

— Айб менда эмас, айб менда, — деди Бош зирқираб. — хаёлим энди ўзимга келди.

Бош бир мақсадга келгач, Кўз ҳаммаёқни аниқ кўрди. Оёқ эса бутун гавдани текис йўлдан равон олиб кетди.

* * *

Бош агар омон бўлса, дўппи топилур дерлар.
Ишламаган калланг мисоли бир тош дерлар.
Инсон танасин олам бошини қуёш дерлар,
Ўйламай оёқ босган ҳар дам қоқилур дерлар.

Қалдирғоч ва сичқон

Бир куни Сичқонбой кавагидан чиқиб буидай мўраласа, Қалдирғоч қувноч билан болаларини учирма қилаяпти.

— Тўхта, —деди Сичқонбой ўзича. — мен ҳам дўмбоқларимни тепадан сакрашга бир ўргатайки, Қалдирғоч ҳайратда қолсин...

Сичқон болаларини шифтга олиб чиқиб, пастга сакрашга ундади. Болалари қўрқиб, қаттиқ чийиллашди.

— Сакранглар, дўмбоқларим, сакранглар, — деди у, — икки оёқли Қалдирғочнинг болалари сакраяпти-ю, нега сизлар тўрт оёқ билан сакрашга қўрқаяпсизлар. Сакраб учинглар. дўмбоқларим.

Сичқонбой Қалдирғочнинг болалари чарх уриб учаётганидан ҳасадда куйиб-пишди-да, битта боласини пастга ўзи итариб юборди: фожиа юз берди, боласи ерга тушди-ю, тил тортмай ўлди. Уни ҳўрпайиб турган Мушуквой еб қўйди.

Сичқон чийиллаганича, қолган болаларини эргаштириб кавагига кириб кетди.

* * *

Ўз йўлин билмаган бошини қашлар,
Ҳасадгўй куйинса томдан ҳам ташлар!

Тўлқин РАСУЛЕВ.

● Янги китоблар

«САМАРҚАНДЛИК ОЛИМЛАР»

Кўҳна Самарқандниг 2500 йиллик тўйи тобора яқинлашмоқда. Улуғ аждодимизга тўёна сифатида «Фан» нашриёти И. Абдуллаев ва Ҳ. Ҳикматуллаевларнинг «Самарқандлик олимлар» деб номланган китобини нашр этди. Узоқ изланиш ва илмий текширишлар натижасида вужудга келган бу китоб Урта Осиё халқларининг тарихи, бой маданиятн ва санъатидан баҳраманд қилади. Рисолада номи дунёга машҳур бўлган Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий, Али Қўшчи, Абдураззоқ Самарқандий сингари олимлар қаторида ҳалқ кўпчиликкка маълум бўлмаган маърифатпарварларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳам маълумот берилади.

«АЁЛ ҚАЛБИ»

Ҳинд халқининг музикаси, дилбар қўшиқларн кимни мафтун этмаган дейсиз. Заҳматкаш ҳинд халқининг адабиётн ҳам юксак ғоявийлиги, тематик хилмахиллиги билан ажралиб туради. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётн ўзбек китобхонларига талантли ҳинд адибаси Лакшмининг «Аёл қалби» номли қиссасини совға қилди.



«ЭКСПРЕСС» ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Москвадаги Бутуниттифоқ темир йўл транспорти илмий-текшириш институтининг ҳисоблаш техникаси бўлимида «Экспресс» тез ҳаракат системаси ишга туширилди. Бу система яқин келажакда узоқ йўл маршрутларидаги поездларга билетлар «сотиш» ишини олиб боради. Йирик темир йўл бўғинларида ана шу электрон «кассир»га муҳтожлик сезиляпти. «Экспресс» системаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони профессор А. Петров раҳбарлигида тузиб чиқилди.

СУРАТДА: темир йўл транспорти институтида «Экспресс» системасини навбатдаги синаш пайти акс эттирилган.

В. КАРПОВ фотоси.

● Немис юмори

ЁРДАМ БЕРАСИЗМИ?..

Уй хўжалигида эркакларнинг меҳнати ҳақида қайтадан ёзишнинг ўзи кулгили. Албатта, уй юмушларини бажаришдан бош товлайдиган эркаклар ҳозир ҳам бор. Лекин бундай аҳвол эркакнинг шаънига доғ туширади. Яқинда менинг ҳузуримга мухбирлардан бири келиб:

— Сиз уйингизда хўжалик ишларида рафиқангизга ёрдам берасизми? — деб сўраб қолса бўладими.

— Эй, йигит, сиз бундай саволингиз билан кишининг дилини сиёҳ қилишингиз мумкин! — деб жавоб бердим.

— Қандай ёрдам берасиз? Айта қолинг!

— Энди гапнинг ростини айтсам, гилам қоқишда ёрдам бераман.

— Ҳар куними?

— Эй, йигит! Бундай гиламнинг чанги уч ойда бир марта қоқилади, умуман у пилесос билан тозаланади. Бу иш билан рафиқам шуғулланади.

— Яна қандай ёрдам берасиз?

— Балкондаги гулдонларга янги тупроқ ни мен олиб келаман.

— Бу тез-тез бўлиб турадими?

— Яхши йигит! Гулдондаги тупроқ йилда бир марта ўзгартирилади.

— Яна қандай ёрдам берасиз?

— Люстра устидаги чангни артаман.

— Бир йилда икки мартами?

— Тахминан шундай.

— Яна қандай ишни бажарасиз?

— Нима, шунча бажарган ишим етмайдими? Хотинга ҳам бир оз иш қолдириш керак-да ахир.

ЙОН СТАВЕ.

Планетамиз янгиликлари

● Социализм мамлакатларида

ГДР

Республика ижодий интеллигенциясини янада кенг доираси ГДР тузилганлигининг 20 йиллигини ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини Германия Демократик Республикасида социалистик санъат тараққиётини намойиш қилиш билан нишонлайди. Берлинда 21 сентябрдан 12 октябргача ўтказиладиган ГДР санъати театр фестивалининг кенг программаси шундан далолат бериб турибди. Фестиваль кунларида 270 дан зиёд спектакль ва концерт кўйилади.

Германия Демократик Республикаси тузилгандан бери ўтган 20 йил мобайнида унинг санъати ўз тараққиётида катта муваффақиятларга эришди. Музика ва бадиий ансамблар театр коллективлари ва солистлар ўтган йили жаҳондаги 33 мамлакатга бориб, ўз маҳоратини муваффақият билан намойиш қилиб келди.

Берлинда бошланган янги театр мавсумида совет авторларининг кўпгина драматик асарлари кўрсатилди.

Польша

Польша химия саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Янги химия заводлари қуриш ва ишлаётган заводларни кенгайтириш учун шу йилнинг ўзидагина 15,4 миллиард злотих маблағ ажратилди, 91 та янги объект фойдаланишга топширилади.

36 та янги корхона ишга туширилди. Жумладан, Пулава азот комбинати қурилиши битказилди. Тарнувада виниль ишлаб чиқарувчи фабрика Тарнобжег ва Згежада олтингугурт заводлари, Гданьскда учламчи суперфосфат заводи маҳсулот бера бошлади. Освенцимда синтетик каучук заводи реконструкция қилинди ва кенгайтирилди, Лоцк нефть химия комбинатида эса, ёнилғи-мой заводи ишга туширилди.

Чехословакия

Чехословакия геологлари Пржибрам шаҳри районида составида кумуш, мис, қалайи бўлган руда конларини текшириб чиқдилар. Бу конлар ҳам маълум эди. Лекин руда фойдали моддалари оз ва ўзи кам миқдорда олинар эди. Янги очилган конлар қимматли қазилмалар миқдорини кўпайтириш имкониятини беради.

Кумушли рудалар кони мутахассисларнинг эътиборини айниқса кўп жалб этди.

Болгария

Кюстендил округида олиб кўрсатувчи янги телевизион станция Софияда 9 сентябрда бўладиган байрам тантаналарини намойиш қилади ва шундан кейин мунтазам ишлай бошлайди. Видин тожи чўққисида қурилган станция эшиттиришларини Кюстендил округи ҳам Благоевград ва Перник округлари кўпчилик қисмининг телетомошабинлари кўра бошлайдилар.

Станцияда ўрнатилган аппаратлар рангли телевизион программаларни ҳам олиб кўрсатиши мумкин. Дастлабки кунларда Болгария телевидениеси программаларидан бирига киритилган Москва телевидениесининг рангли телевизион эшиттиришларидан фойдаланилади.


МХР

Халқ Монголияси далаларида донли экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш бошланди. Ўрим-йиғим ишлари илгариги йилдагига қараганда анча оғир шароитларда олиб борилмоқда. Қишнинг эрнқлиги ва ёзнинг кеч келиши галлакорлар учун ортиқча ташвиш ва қийинчиликлар туғдирди.

Мамлакатда ўрим-йиғим ишларини юксак агротехника даражасида, қисқа муддатларда ва ҳосилни нобуд қилмай ўтказиш учун социалистик мусобақа авж олди.

Бу йил Монголия далаларида асосан Совет Иттифоқидан келтирилган 4 мингдан кўп трактор, 3 минг дон ўриш комбайни, 6 минг автомашина ва бошқа кўпгина машиналар ишлай бошлади.

(ТАСС).



Германия Демократик Республикаси. СУРАТДА: республика индустриясининг тошкўмирдан юқори сифатли кокс ишлаб чиқарувчи энг йирик комбинати.



Бухарест бадиий мактаби ўқувчилари. Аджерпресс — ТАСС фотоси.

Гитлерчилар рейхи руҳида

БОНН, (ТАСС). Таниқли сиёсий обзорчи Себастиан Хаффнер Германия Федератив Республикасидаги парламентдан ташқари демократик оппозициянинг намояндалари тўғрисида Штраус айтган гапларни «Штерн» журналида шарҳлаб. Христиан-социал иттифоқ ранси Бонн министри Штраус гитлерчилар рейхи ҳаракат қилмоқда, деган хулосага келди.

Яқинда Бонн министри парламентдан ташқари оппозиция намояндаларини «одамларга аталган қонунлар жорий қилинишн мумкин бўлмаган йиртқичлар» билан тенглаштирилган эди. Хаффнер бу гапни «Дахшатли» гап деди. Штраус парламентдан ташқари оппозиция намояндаларини ҳақорат қилибгина қолмасдан, шу билан бирга муайян одамлар группасининг қонундан ташқари қилиб қўйишга ҳам жиддий киришмоқда, деб ёзади Хаффнер.

Гитлерчилар рейхи худди шундай дахшатли жиноят қилган эди, деб эслатиб ўтади, Хаффнер. Ўша вақтда одамларнинг муайян группаси қонундан ташқари қилиб қўйилган ва улар «иккинчи сорт одамлар» деб аталар эди. Сўнгра обзорчи давом қилиб бундай деб ёзади: «Шундай фикрлашнинг оқибати одамларни кўплаб қиришга олиб келди. Штраус ўқимишли одам бўлганлиги сабабли буни билмаслиги мумкин эмас... Германия Федератив Республикасининг нуфузли сиёсатчиларидан бири, министр ва партия раиси Штраус одамларнинг бутун бир группаси учун ҳуқуқий нормаларни бекор қилишни баралла талаб этмоқда».

Агар бу мажаро оқибатсиз қолиб кетса, деб ёзади Хаффнер, Федератив республикада, бу республика гитлерчилар рейхининг энг ёмон анъаналари билан алоқани узгани йўқ, деган таъкидни рад қилиш қийин бўлиб қолади.

ЧИЛИ КОМПАРТИЯСИ УСТАВИНИНГ ЛОЙИҲАСИ

САНТЬЯГО, (ТАСС). «Чили Коммунистик партияси халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таркибий қисмидир. У, халқимизнинг манфаатларнин ҳимоя қилишни пролетар интернационализми принципини амалда қўллаш ва ҳимоя қилишни, коммунистик ҳаракат бирлигини ва империализмга қарши курашаётган халқлар билан бирдамликни мустаҳкамлашга актив ёрдам беришни ўзининг олий вазифаси деб ҳисоблайди». Чили компартияси уставининг лойиҳасида шу сўзлар ёзилган. Устав лойиҳаси марказий комитетнинг яқинда бўлиб ўтган пленумида қабул қилинган бўлиб. «Сигло» газетасида босиб чиқарилди. Мамлакатдаги барча коммунистлар лойиҳани муҳокама қиладилар ва шундан кейин бу лойиҳа партиянинг XIX миллий съезди тасдиқига топширилади. Бу съездни шу шаҳарда 1969 йил 23 ноябрдан 29 ноябргача ўтказиш мўлжалланган.

Устав лойиҳасида айтилишича, коммунистлар «тинчлик учун, империализмга ва олигархияга қарши, халқнинг барча ҳуқуқлари ва талаблари учун, чинакам халқ ҳукумати учун ва социализм учун актив курашчи» бўлишлари керак.

Чили компартияси, деб таъкидланади лойиҳада, «халқаро антиимпериалистик курашга, турли мамлакатларда социализм қурилишига ва коммунизм сари бораётган Совет Иттифоқининг муваффақиятларига алоҳида аҳамият беради.

АМЕРИКА КОМПАНИЯЛАРИ ҚОРА КУРСИДА

ГАВАНА, (ТАСС). Перу ҳукумати Америкаиинг «Интернэшнл петролеум компани» компаниясидан мажбурий тартибда 690 миллион долларни ундириб олиш тўғрисида фармойиш берди. Бу компания Лапампильедаги нефть конларини ишлатаётганлиги учун Перу давлатига 1924 йилдан бери солиқ тўламай келар эди.

Пренса Латина Агентлиги мухбирининг Лимадан берган хабарида айтилишича, компания бу қарзни икки ҳафта муддат ичида тўлаши шарт.

Американинг «Браун энд рут» ва «Моррисон-надсен компани» деган яна икки компаниясига қарши Лимада суд бошланди.

Транспорт министри А. Меса Куадранинг айтишига қараганда, бу компанияда йўллар қуриб беришни пудратга олиб. буннинг учун Перу давлати берган пулларни бошқа мақсадларга сарфлаб юборганлар.



Тимишорадаги «Модерн» фабрикаси ишлаб чиқараётган аёллар сумкаси ўзининг нафис ва бежиримлиги билан Руминия мамлакатининг ўзида эмас, балки чет элларда ҳам катта шуҳрат қозонган. Аджерпресс—ТАСС фотоси.

АҲВОЛ КЕСКИНЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

ЛОНДОН, ТАСС МУХБИРИ Г. КАЗЕНС ХАБАР БЕРАДИ: Яхши қуролланган инглиз солдатларидан неча юзлаб киши Шимолий Ирландиянинг ҳарбий жиҳатдан иккинчи катта шаҳри деб ҳисобланган Лондендеррини ишғол қилди. Кейинги кунларда бу шаҳар кўчаларида намойишчилар билан полиция ўртасида шиддатли жанглар бўлган эди. Бу жанглар вақтида неча юзлаб киши яраадор бўлди.

Маҳаллий кузатувчилар инглиз қўшинларининг бу воқеаларга аралашуви Шимолий Ирландиядаги сиёсий вазиятни мушкуллаштириши мумкин, холос, деб ҳисобламоқдалар. Газеталарнинг ёзишча, бу районда 3500 инглиз солдати жойлашган.

«Морнинг стар» газетаси бугунги сонида огоҳлантириб қуйидагиларни ёзади: Бош министр Вильсон Шимолий Ирландияда гражданлик ҳуқуқлари учун курашаётган кишиларнинг қонуний талабларини қондириш учун қатъий чоралар кўра олмаса, у ҳолда инглиз қўшинларининг Шимолий Ирландияга киритилиши «реакцияни қўллаб-қувватлаш бўлиб, тангликни бартараф қилишни янада кўпроқ қийинлаштиради деган фикр изҳор қилинади».

Шимолий Ирландиянинг турли районларида тўқнашувлар яна бошланди. Бегфастда шиддатли жанглар бўлди. Бу жанглар натижасида икки киши ўлди ва кўп кишн ярадор бўлди. Касалхоналарга жами юздан ортиқ киши келтирилди. Шаҳарда ёнғин бошланди.

Арма ва Ньюри шаҳарларида ҳам тўқнашувлар бўлиб ўтди.

Хожи Аҳмар

Чешма

Қисса

— Ана, машина ўтиб кетяпти.

— Прицепи ҳам бор! — унинг гапини тасдиқлади қизи.

— Афтидан, газопровод қуришаётганга ўхшайди. Қувурларни қара.

— Ҳа.

— Анов қозонлар худди бизникига ўхшар экан, — деди кампир бу гал куёвига мурожаат қилиб. — Тутунини кўр, худди генератордан чиқаётгандек-а?

— Бу қозонлар торф билан ишлайди, солярка билан эмас, — жавоб берди куёв.

— Ана, пода ўтиб кетяпти. Томка, кўрдингми, бериқ кел.

— Менга шу ердан ҳам кўриняпти.

Кампир менинг столда ётган шахмат китобимни варақлайди. Лекин шу он бошини кўтаради.

— Эҳ, аттанг, анов йўл қаёққа кетганини кўролмай қолдим... Ана, огород чопишяпти.

— Ҳа.

Бу вақт шахмат тахтада мутлақо кутилмаган ҳодиса рўй берди: Семиз менга фарзинни ютқизиб қўйди.

— Манави нима? — деди кампир ёстиқ тепасидаги тунлик чироқни пайпаслаб.

— Чироқ деб чироқ эмас, қулдон деб қулдон эмас... Ҳа, чироқ экан. Берироқ ўтир, Томка, чой ичамиз.

— Им.

— Ичмасанг ўзинг биласан.

Кампир столга қўйган кўк кружкасини олиб эшикдан чиқди. Кўп ўтмай юзида апельсин пўстлоғи сузган қайноқ сув келтирди.

— Нега чой солмадинг?

— сўрайди куёв.

— Ҳечқаси йўқ,— деди кампир, кружкадан бир хўплаб. — Чой ҳуснини йўқотармиш.

Қовоғи икки ботмон тушган Семиз бошини кўтаради. Кейин пиёда ўринга асбни юриб, яна хатога йўл қўйди. Қаримлик дунё дегандек, мен унинг руҳини уриб оламан. Семиз отлар аралаштириб, уларни қайта тика бошлайди.

— Момиқдек пирожка, момиқдек пирожка! — деди официантка, купе ёнидан ўтиб бораркан.

Кампир ёстиққа ёнбошлаб, менинг шахмат китобимни варақлайди. Лекин шу он бошини кўтаради.

— Яхши китоб экан, — деб хулоса қилади у ҳеч кимга қарамай. Кейин қизига мурожаат қилади: — Афсуски қартамиз йўқ, «ним тентак»ка ўйнардик.

Уйин давом этади. Омади келган Семиз ҳамон чекинади.

Бу орада кампир радио қулоғини бурайди.

— Бир, икки, уч, тўрт,— деган овоз келади репродуктордан.— Уинг оёқ олга, қўллар орқага...

Шу ерда Семизнинг сабр косаси тўлади.

— Радио ўчирилса қалай бўларкин, кампиршо!

— Радио, нима, сенга заказ билан ишлаш керакми? Ўшлаяди кампир.

— Бу ахир физзарядка-ку?

— Нима қипти? Мен физзарядкани яхши кўраман. Сенга ҳам маслаҳат кўраман.

— Шанғиллама, кампиршо, қулоғим бор.

— Кўриб турибман...

— Емон хотин экансан, кампиршо!

— Сен мендан ҳам баттар экансан, чол бобо!

Кампир анча вақт жим қолиб, кейин уҳ тортади.

— Ҳм...м. Ухм...м.

Мен Семизнинг купесидан ўзимга эътиқодим ниҳоят ошган ҳолда чиқаман. Ҳатто энди Студент билан беллашишга қарор қиламан. Лекин коридорда ўни ёлғиз кўриб бир қадар таажжубга тушаман.

— Матч қалай? — лабини қийшайтириб илжаяди Студент мен ҳақимда.

— Биз ютдик! — дейман мен, севинчимни яширмай.

— Уларинники чи?

— Кутмаганда орадан «гамбит» чиқди, — дейди у, купе томон бош иргаб. Дарҳол тушунаман.

— Яъни ...чақир тиканак маъносидами?

— Тахминан...

—Ана холос! Яна ютқизишмилар-да?

—Матч тугагани йўқ! — дейди Студент бармоғини кўтариб. — Муҳлат ҳам. Ҳали нима гапу, нима сўз... Ўзларидан қиёс.

Мен бенхтиёр эшик тирқишидан купега қарайман.

Ҳа, «томчи сув» нақлини ишлатмаса ҳам ҳамма гап равшан: Қиз қўлда қалам ва олоконт ушлаб Врачнинг гапларини эшитади. Лекин кўриниб турибтики, хаёл бошқа ёқда.

— Ерга қараган одам,— дейди Врач, фақат қўлмак сув билан балчиқни эмас, балки унда акс этган юлдузларни ҳам кўради.:

Ҳозир юлдуз, кейин қуёш. У ёғи — тўлин ой...

Мен Семизнинг купе эшигидан мўралаб турган шляпасига эҳтиром билан тикиламан.

Студент санъат китобини варақлайди. Врач қўлида «Қушлар ҳаёти» номли китобни ушлаб, уриб турган ёмғирда шиддат билан югуриб бораётган «Тез ёрдам» машинасидан кўз узмайди. Машина анча жойгача поезд билан бир тезликда бориб, кейин орқада қолади.

Бу орада Студент қўлидаги китобни менга узатади. «Ичида ажойиб бир нарса бор» дегандек ишора қилади.

Китобни оламан.

Расмда мажҳул бир қоя тасвир этилган. Унинг тагида мусаффо чашма. Чашма ёнида кўза кўтарган ўн олти-ўн етти яшар қиз. Унинг ялангоч танаси қоялар сатҳида яққол ажралиб туради. Қиз қўлидаги кўзадан тиниқ булоқ суви тўкилади. Расм тагида ёзув. Доминик Энгр. Чашма.

Блокнотига бир варсаларни ёзиш билан банд бўлган Қиз ҳеч нарсани пайқамайди. Лекин Врач деразадан кўзини олиб, китобдаги расмга ва Студентга кўз қирини ташлайди.

Мен ҳам бўйин чўзаман.

Расмда ялангоч ўғилчасини икки қўлда кўтариб, булутлардан тушиб келаётган ёш она тасвирланган. Тагида ёзув: Рафаэль. «Сикста Маъмудаси».

—Унинг мазмунини биласизми?— дейди врач.

Оз—моз!— жавоб беради қиз.— Фақат мана бу қанотли болалар билан оғир пардалар нима учунлигини тушунмайман.

Врач улар рассомга композиция ва маъбуданинг осмондан тушиб келиши инсоният тарихида улуғ бир воқеа эканлигини таъкидлаш у ч у н керак бўлганини айтади. Кейин суҳбат қаерда тўхтаганини сўрайди.

Қиз блокнотига қарайди.

— Бургутларда.:: Улар ҳеч вақт ҳаром гўшт емайдилар; бироқ бургут бахтсизликка учраса, иккинчи бургут ёрдамга келади: жанг қилганда рақиб билан тиккама —тикка олишадилар.::

— Ҳа.:: Буларни ёзиб нима қиласиз? Ҳаммаси китобда бор.:: Энди калхатларчи? «Улар бургутлар нима қилса шунинг тескарисини қилишар экан. Одамлар аерлардан буён бургутларни ҳурмат қилиши ва калхатлардан жирканишининг боиси ҳам ана шунда экан.:: Яқинда «Комсомольская правда» газетасида бир нарса ўқидим. Бир овчи ёзади.

Бу овчи керак нарсаларни гамлаб, узоқ чўлга овга отланади. Ошаларн газик машинада уни айтган жойга олиб бориб қўядилар. Чодирини қуришга ёрдамлашиб, хайр —маъзур қиладилар.

Атроф бийдек дала. бир ёқда тоғ. тўқай. Овчиларнинг тушига ҳам кирмайдиган жой.

Овчи кеч кирган бўлишига қарамай, милтиғини елкасига олади ва тўқайга қараб жўнайди. Лекин юз метр жойдан қайтишга мажбур бўлади. Чунки қарайдики, чодир устида қандайдир бир бургут учиб юрипти. Овчи, тагин ҳужум қилиб — нетиб юрмасин, дейди-да, милтиғини олиб, «қарс» этиб қўяди. Бургут чодирдан эллик метр ерга бориб тушади. Қанотларини бир—икки кўтариб ташлаб,* жим бўлиб қолади.

Овчи изига қайтади. Лекин бироз юргач, қандайдир қийқириқни эшитиб яна тўхтайди. Қараса, чодир устида бошқа бир бургут учиб юрипти.

Овчи «бу нима синоат?» деб яна чодирга қайтади.

Тепадаги бургут қанотларини йиғади, яқинида одам турганига ҳам парво қилмай, ҳалок бўлган қўш устига учиб тушади. Уни даст кўтариб олиб, бир неча юз метр наридаги тоғ чўққисига бориб қўнади.

Овчининг дилидан «шу ишни бекор қилдим», деган фикр ўтади. Тўқайга бориш ниятидан ҳам қайтади.

Қуёш ботади. Чўл устига қоронғулик туша бошлайди.

Овчи ноширдан чиқиб, яна чўққига қарайди: шафақ ёйилган осмон сатҳида худди ҳайкал сингари ҳалиги бургут ўтирипти.

Овчини виждон азоби қийнайбошлайди. Овқат ҳам ўтмайди: Ўйқиси ҳам нотинч. Сабрсизлик билан тонг отишини кутади.

Эрталаб туриб яна чўққига қарайди: бургут ҳамон жойида.

Бу аҳвол уч кун давом этгач, ниҳоят, овчи таслим бўлади. Бир неча гўшт консервасини очиб, тоққа равона бўлади.

Ярим кун овора бўлиб, ҳориб — чарчаб, чўққига чиқади.

Қушни чўчитиб юбормаслик учун эҳтиётлик билан унга яқинлашади. Келтирган совғаларини унга ташлайди.

Бургут яна парво қилмайди.

Овчи аввалгидан ҳам эҳтиётроқ бўлиб, қушнинг ёнғинасига боради.

Қараса, қуш очиқ кўзларини бўшлиққа тикан ва шу куйи жон берганмиш.

Унинг оёқлари остида бошини қояга қўйиб, иккинчи бургут ётганмиш:..

—Бунинг отини асб юриш дейдилар. Русчасига «ход конём»:

— Семиз менинг пиёдам билан филим ўртасига асбини юриб қулиб қўяди.— Аввал бургутлар ҳақида, кейин кекса «бургутлар» билан кўм-кўк фазо ва чўли — биёбонларга сафарлари ҳақида.::

Мен филни олиб қочаман.

— Кейин «шарақ» этиб битта уради. Қарабсизки, пиёда йўқ, ҳа, ҳа, ҳа!

Семиз айтганини қилиб, менинг пиёдамни уриб олади ва гап ўринга тушганидан мамнун қолиб, сўзида давом этади.

—Мен бир гал худди шунақа «пиёда» билан дон олишиб қўлга тушганман. Одам йиғилган::: Унинг кекса эри менинг пўстагимни бориб бизнинг ҳотинини айтиб келди. Хотин дарров йиғилганларга қарата қутқу сўзлади: «Шундай бир аблаҳники ўлдириб юбормабсиз. нима деб дўппи кийиб юрибсиз! Худо ўлим берсин сиздақа эрканларга»— дейди, ҳа, ҳа, ҳа!::

—Уйда қанақа нутқ сўзлади?

—Қанақа бўларди? У вақтлар крепкий вақтим..: Мана энди некрепкий бўлиб қолиб, бошим жанжалдан чиқмай қўйди, ҳа, ҳа, ҳа!

Семиз қўлидаги пиёдани менга қўясатдь.

—Менимча бунақа «пиёдаларни» ўзлари ҳам учратган бўлсалар ажаб эмас? Ҳ? Жилла қуруқ бўлмасалар керак?

— Учратганман, албатта:

— Энг кейингисининг отини айтинг: Камина балки уни ҳам танирман, ҳа, ҳа, ҳа!

(Давоми бор)

(Давоми. Боши газетанинг 190, 191, 192-сонларида).

Чет эл фотокалейдоскопи



Ҳар йили Голливуд паркида ёвойи ҳайвонлар, жумладан фил, туя, зебра, эшак, ҳатто эчкилар билан традицион пойга ўтказилади. ЮПИ — ТАСС телефотоси.



АНГЛИЯ. Сув спорти ишқибози филча Джуди учун сув чанғиси тайёрланди. Камера — ТАСС фотоси.

Ҳодиса

Товламачи

Гражданин Қ. Қурбонов паспорти, ҳарбий билети, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасини йўқотиб қўйди. Шу йилнинг 23 июль куни у номаълум ҳат олди. Унда айтилишича, йўқотилган ҳужжатлар топилган, қайтариб олиш мумкин эди. Лекин ноаниқ ҳат ёзувчи номаълум киши Қурбоновга революция хиёбонидаги Карл Маркс ҳайкали олдига келиш ва ҳар бир ҳужжат учун 80 сўмдан «суюнчи» беришини сўраган.

Бундай таклиф Қурбоновни газаблантирди. У Чилонзор район ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Воқеа содир бўладиган жойга Қурбонов билан бирга жиноят қидирув ходимлари Д. Шапиро ва В. Сидоренколар етиб келишди.

«Қаҳрамон» политехника институти физика-инженерлиги факультетининг IV курс студенти Ғани Икромов экан. У бировнинг ташвишидан ўз нафси учун фойдаланмоқчи бўлган...

Миси чиққан фирибгар учун институт томонидан ички ишлар бўлимига юборилган характеристикада кўрсатилишича, «Икромов ўқишга сидқидилдан муносабатда бўлади, жамоат ишларида актив қатнашади» ва ҳоказо мақтов гаплар ёзилган. Бу характеристикага факультет комсорги Ералиев ва касаба союз ташкилотининг раиси Гордиенко жимжимадор имзо чекишган. Буига нима дейсиз? Бу ҳақда институт раҳбарлари ўйлаб кўришар деган умиддамиз.

Н. КАРИМОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Радио

19 август

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Дала ва машиналарни теримга тахт қилиб қўйайлик» (русча). **18,10** Р. Муртазоев. «Партияга шарафлар» деган кантата. **19,20** Ўзбек Давлат филармонияси халқ чолғу оркестрининг концерти. **20,00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20,40** Ёшлар учун концерт. **21,00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21,10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. **22,30** СССРда Руминия маданияти кунларининг очилиши Союзлар уйининг Колонна залидан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 Жаҳон шоирлари Ленин ҳақида (Ўзбекча). **19,30** Совет Армияси жангчилари учун концерт. **20,00** Далада ишлаётганлар учун концерт. (тожикча). **20,30** Қорақалпоқ куйлари. **20,50** «Машинасозлик республикаси». Литва радиосининг эшиттиришини (русча). **21,00** С. Есенин. «Анна Снегина» радиокомпозицияси (Ўзбекча). **21,40** Москва. **22,20** М. Дадабоева куйлайди. **22,40** «Севимли бозувчилар радиокутубхонаси» Раҳим Жалил. «Пўлат ва Гулру» романидан парча (Ўзбекча). **23,15** Дам олиш концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 Ҳ. Ғуломнинг «Мирзачўл» романи асосида радиопостановка (русча).

20 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6,15 Тонгги концерт. **7,40** Ёнгил куйлар. **8,25** Халқ талантлари концерти. **9,30** «Янги ёзиб олинган асарлар». С. Тўхтасинов раҳбарлигидаги халқ чолғу ансамблининг концерти. **9,50** «Дўстлик қонунлари асосида» деган суҳбат (тожикча). **11,15** «В. И. Ленин ва Туркистон» деган суҳбат (Ўзбекча). **11,30** В. Мейен. Ўзбек халқ темаларидаги сюита. **13,30** Рус халқ куйлари. **15,15** «Тарих тилга кирди». Белоруссия радиосининг эшиттириши (русча). **15,30** Концерт. **16,10** Ўзбекистон халқ артисти М. Раҳимов ҳақида очерк. **16,50** «Правда» газетасининг обзори.

18,00 «Мактаблар янги ўқув йилига» (русча). **18,10** Б. Квернадзе. «Хореографик поэма». **18,40** Спорт эшиттириши (русча). **19,20** Татар куйлари. **20,00** «Ўзбекистон ишчиси» радионурнали. **20,30** Саноат ходимлари учун концерт. **21,00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21,10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22,20** Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган артист А. Абдураупов куйлайди. **22,40** «Шеърият нечаси» (Ўзбекча). **23,15** Куйлар тинглаб, дам оламиз.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 Оперетталардан парчалар. **19,00** Ўзбек балетларидан куйлар. **19,30** Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарларидан (русча). **20,20** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20,30** Карейс кўйлари. **21,00** «Дардош халқлар адабиёти». Арман ёзувчиси А. Сироснинг «Мамэ ва Ашэ» номли ҳикояси (Ўзбекча). **21,40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14,00 Татар куйлари. **14,30** Т. Каипбергенов. «Сўнгги ҳужум» романи асосида радиоинсценировка. **16,00** Ўзбекистон композиторларининг кантаталари. **17,00** О. Бальзак. «Горио ота» радиопостановкаси (русча).



Телевизор

19 август

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18,35 Телевизион янгиликлар. **18,50** Болалар учун. «Кувноқ дельфин». Телеочерк.

19,00 «Тошкент ностиқоли». Репортаж. **19,35** Кино ҳақида суҳбатлашамиз. **20,40** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20,50 Телевизион янгиликлар. **21,10** В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. «Китъалар улуғлайди буюк Ленинни». Адабий композиция. **21,40** «Навоий назми тароналари». Концерт.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22,30 СССРда Руминия социалистик республикаси маданияти кунларининг тантанали очилиши. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида янгиликлар. **01,30** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18,00 «Галина Уланова». Ҳужжатли фильм. **18,50** «Биринчи қиз». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19,55 Кўрсатувлар программаси. **20,00** Янгиликлар. **20,15** Ўқувчилар учун. «Чарм тўп» мукофоти учун. **21,15** Тележурнал. **22,00** «Вақт» информацион программаси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22,30 «Турмуш ва маданият» Тележурнал.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20,00 СССР халқларининг куйлари.

Рус тилида: 20,40 Леонид Коган чалади **21,40** «Олтин ҳукмронлиги». Бадиий фильм.

20 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси. **18,35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18,45 Ленинча меҳнат вахтасида.

19,00 Вокал-чолғу ансамбли. нинг концерти. **19,40** Телевизион янгиликлар. **19,55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

18,30 Беш йиллик йўлларидан. **20,30** Рангли телевидение программаси. **21,30** «О дан 1 гача». Ҳужжатли фильм. **22,00** Бутуниттифоқ телевизион фильмлар учинчи фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Уғрюм-река». Телевизион бадиий фильмнинг биринчи сериями. **23,30** «Вақт информацион программаси. **00,15** Интервидение. Музикали календарь саҳифалари. **00,45** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18,30 Кўрсатувлар программаси. **18,35** Болалар учун. «Ҳайвонот оламига саёҳат» (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 18,50 «Айиқча Римқимқи». Кўғирчоқ фильм. **19,30** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлигимиз экранда». **20,10** Томошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт.

Ўзбек тилида: 20,50 «Ўзбекхелькмаш» маркази — жаҳон маркаси даражасида». **21,10** «Най наволари». Концерт. **21,50** «Тог қасоскорлари». Бадиий фильм. нинг биринчи сериями.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20,00 «Оддий инсон». Бадиий фильм. **21,35** «Оқ қушлар қаерга учиб келади». Ҳужжатли фильм. **21,45** Телеспектакль. **22,35** Фильм-концерт.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20|VIII да Алжонларим, 21|VIII да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20|VIII да Жон қизлар, 21|VIII да Гули сиёҳ.

Кино

19 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Қизларни ўғирлаш — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кечкурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 яримда).

Аниччка — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечкуруи).

Улкан севги серенадаси — САНЪАТ САРОЙИ (кечкуруи).

Бомбай тун оғушида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечкуруи).

Райк болалари — «ДРУЖБА» (кеч соат 8 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Қизларни ўғирлаш — «ФЕСТИВАЛЬ».

Аниччка — «ХЕВА»

Тайга ҳужайини — ТЕЛЬМАН номли.

20 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Қизларни ўғирлаш — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечкуруи).

Улкан севги серенадаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечкуруи).

Бомбай тун оғушида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечкуруи).

Тайга ҳужайини — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечкуруи).

Аниччка — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечкуруи).

Райк болалари — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12 ва кеч 8 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Қизларни ўғирлаш — «ФЕСТИВАЛЬ».

Аниччка — «ХЕВА».

Килиманджаро қорлари — ТЕЛЬМАН номли.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Союзпечать» киоскларидан сиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг органи —

„СОЦИАЛИСТИЧЕСКАЯ ИНДУСТРИЯ“

ГАЗЕТАЛАРИНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Газета саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ва илмий ходимларига мўлжалланган.

Газета ҳафтада 6 марта «Правда» форматида 4 бетлик бўлиб чиқади.

Истаганлар ўз адреслари бўйича обуна бўлишлари мумкин.

Обуна баҳоси — бир ойга 52 тийин.

«Социалистическая индустрия» газетасига обуна бўлинг, газетани сотиб олинг!

«СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 19 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» горкома КП Узбекистана орган Ташкентского и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари. Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579. НАШР 2828 Р. 16369